



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 23 август, № 173 (7403)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ДАВЛАТ КОТИБИНИНГ ЎРИНБОСАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 август куни АҚШ Давлат котибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Дэвид Хейлни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий куллар экан, кейинги йилларда кўп қиррали Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари изчил ривожланиётганини чуқур мамнуният билан қайд этди.

Ўтган йилнинг май ойида Вашингтонда бўлиб ўтган олий даражадаги самарали учрашувлар мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликнинг янги даврини бошлаб бергани таъкидланди.

Ўз навбатида, америкалик дипломат Ўзбекистон раҳбарига самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп ва Давлат котиби Майкл Помпео-

нинг саломлари ва энг эзгу тилаklarини etkazди.

Дэвид Хейлнинг сўзларига кўра, АҚШ томони Ўзбекистонда давлат қурилиши ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш соҳаларида амалга оширилаётган янгиланишларни, аҳоли турмуши даражаси ва сифатини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган ислохотларни юксак баҳолайди.

Ўзбекистон ва Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатларнинг минтақада дўстлик, яхши қўшилиқ ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини мустақамлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари қўллаб-қувватланиши билдирилди.

Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал қилиш ва ушбу мамлакатни минтақавий жараёнларга фаол жалб этиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Сўхбат чоғида икки томонлама муносабатларга оид ҳамда халқаро аҳамиятга мولىқ долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Савдо-иқтисодий, инвестиция, инновация, таълим ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқалар фаоллашиб, АҚШнинг етакчи компаниялари, банк ва ташкилотлари иштирокидаги қўшма лойиҳалар кўлайиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Жорий йил июнь ойида сертификатлан-

ган дастлабки АҚШ иқтисодий миссиясининг Ўзбекистонга ташрифи натижасида илгари сурилган ишбилармонлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашув якунида Давлат котибининг ўринбосари Дэвид Хейл АҚШнинг мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари ва хар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш борасидаги интилиши қатъий эканини таъкидлади.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ДЕМОКРАТИК ЖАРАЁНЛАРНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИСИГА АЙЛАНИШИ КЕРАК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шу йил 22 август куни мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар раҳбарлари билан учрашди. Бўлиб ўтган мулоқот давомида партияларнинг жамиятимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётидаги ўрни ва ролини ошириш, шу йил декабрь ойида миллий парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органларига бўладиган сайловларга тайёргарлик ишларининг бориши тўғрисида, бу борадаги энг муҳим ва долзарб масалалар хусусида атрофлича фикр юритилди.

Маълумки, мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйган ҳозирги вақтда ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида чуқур демократик ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Юртимизда қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси асосида жамиятимизда кўппартиявийлик, сиёсий плюрализм, фикрлар ранг-баранглиги, очкилик ва ошкоралик тамойилларини кучайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Бугунги кунда республикамизда бешта сиёсий партия — Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ва Ўзбекистон Экологик партияси фаолият кўрсатмоқда.

Уларнинг ўз гоё ва дастурларини амалга ошириши, сайловларда тенглик, очкилик ва холислик тамойиллари асосида фаол иштирок этиб, парламент, маҳаллий вакиллик органларида ўз фракциялари ва партиявий гуруҳларини шакллантириши ҳамда мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиши учун барча қўнғун асослар яратилган. Янги қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси сайнов кодекси бу борада янада кенг имкониятлар яратиши билан аҳамиятлидир.

Учрашувда давлатимиз раҳбари "Хар қандай сиёсий партия замон билан ҳамнафас бўлиб, унинг ўткир талабларига жавоб берган тақдирдагина сиёсий куч сифатида яшай олади", деб таъкидлади.

Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўладиган сайловлар, бу — мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеа бўлиб, бутун халқимиз қатори сиёсий партиялар учун ҳам катта сиёсий мактаб бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Сайловларнинг кўппартиявийлик ва муқобиллик, ошкоралик ва транспарентлик тамойиллари асосида, дунёда умумэтироф этилган демократик стандартларга мос ҳолда ўтиши кўп жиҳатдан сиёсий партияларнинг ушбу жараёнга пухта тайёргарлик кўриши ҳамда чуқур ўйланган янги гоё ва максadлар, дастурлар билан уларда фаол иштирок этишига боғлиқ.

Муллоқот жараёнида бугунги давр ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар талабларидан келиб чиққан ҳолда, сиёсий партиялар фаолияти чуқур таҳлил қилиниб, уларнинг ишини такомиллаштириш ва самарасини ошириш бўйича фикр-мулоҳазалар, амалий тақлифлар билдирилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ ВА ИЖТИМОЙ СОҲАНИНГ ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ, ЭНЕРГИЯ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТЕЗКОР ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республикада иқтисодиёт барқарор ўсишини таъминлашга ва аҳолининг фаровонлик даражасини оширишга, ёқилги-энергетика ресурсларига бўлган талаб-эҳтиёжни узлуқсиз қаноатлантиришга қаратилган нефть-газ, электр энергетика, кўмир, кимё, қурилиш индустриясини ривожлантиришнинг узок муддатли стратегияси амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ёқилги-энергетика тармоғининг мавжуд қувватлари энергия ресурсларига ортиб бораётган талаб-эҳтиёжни тўлиқ даражада таъминламапти, мамлакатимиз иқтисодиётининг энергия сарфи ҳажми ривожланган мамлакатларнинг ўртача кўрсаткичидан анча юқоридир.

Ҳозирги вақтда, асосан, гидроэлектростанциялар ишлаб чиқараётган қайта тикланувчи энергия манбалари ҳиссасига мамлакатда ишлаб чиқарилаётган электр энергияси умумий ҳажмининг атиги ўн фоизи тўри келмоқда. Ниҳоятда катта салоҳият мавжуд бўлишига қарамадан, қуёш ва шамол сингари қайта тикланувчи энергия манбаларининг имкониятларидан тўлиқ даражада фойдаланилмапти.

Шу муносабат билан, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самардорлигини ошириш, энергия тежовчи технологиялар ва қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш давлат сиёсатининг ҳозирги босқичдаги долзарб йўналишларидан бири бўлиб қилиши лозим.

(Давоми 2-бетда).

ДЭВИД ХЕЙЛ: ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНИБ БОРМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 август куни АҚШ Давлат котибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Дэвид Хейлни қабул қилди.

Меҳмон олий даражадаги учрашувдан кейин Ў.А. мулоқотида интервью берди:

— Президент Шавкат Мирзиёев билан мулоқот чоғида, аввало, юртингизда амалга оширилаётган ислохотлар самарасини муҳокама қилдик. Шу ўринда алоқаларимиз тобора мустаҳкамланиб бораётгани алоҳида эътироф этиш жоиз.

Ўтган йили мамлакатларимиз раҳбарларининг олий даражадаги учрашувидан ҳамкорликнинг янги йўналишлари белгилаб олинган эди. Шундан келиб чиққан ҳолда, бугун уларни амалга ошириш бўйича қилинаётган ва қилиниши лозим бўлган ишларни кўриб чикдик.

Шунингдек, Ўзбекистонда ҳаётга таъбиқ этилаётган самарали ислохотлар, хусусан, хорижий инвестицияларни жалб

қилиши, янги иш ўринлари яратиш каби масалалар диққатимиз марказида бўлди.

Минтақада хавфсизликни таъминлаш ва Ўзбекистон раҳбари бошчилигида амалга оширилаётган қўшни мамлакатлар билан очкилик сиёсатининг муҳим жиҳатларини муҳокама қилдик.

Ўзбекистонга ташрифимиз доирасида Самарқандга боришни, кўна тарих, бой маданий мерос билан яқиндан танишишни режалаштирганимиз.

Ў.А. мухбири

Улугбек АСРОПОВ ёзиб олди.

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНИНГ ЙИГИРМА БИРИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ОЛДИДАН ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ МЕХАНИЗМЛАРИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Бугун Олий Мажлис Сенатининг йигирма биринчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади. Унда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётини янада жадаллаштириш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга оид бир қатор қўнғун ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" Давлат дастурининг 2019 йил иккинчи чорагидаги ижросига доир ҳисоботи муҳокама қилинади.

Кеча парламент юқори палатаси кўмиталарида кун тартибидagi масалалар дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Хотин-қизлар манфаатлари ва ижтимоий шериклик

Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари ҳамда Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмиталарининг қўшма мажлисида оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларнинг

ҳуқуқ ва эркинликлари, қўнғун манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг ахбороти эшитилди.



МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ — ТАРАҚҚИЁТ ҚАНОТИ

Инсоннинг ботиний гўзаллиги — илмида, хулқу одоби, хислату фазилатида! Маънавият ва маърифат дегани — шу аслида. Бугун дунёнинг энг ривожланган давлатлари сафига киришни, эркин ва фаровон жамият қуришни истар эканмиз, айни шу тушунчаларни ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айлантирмай туриб, юксак марраларга эришимиз мушкул.

Нега? Чунки юртин ватанпарвар, фидойи, билимли, жонкуяр, азму шижоати юксак инсонлар тараққиёт йўлига дадил олиб чиқа олади. Демакки, Ватан тақдир қалби уйғоқ, кўнгли соф, миллий гурури баян маънавият ва маърифат соҳиблари саъй-ҳаракатларига чамбарчас боғлиқ. Шундай экан, элу юртга муҳаббат ва садоқатимизни амалий ишлар билан исбот этиш пайти келди. Зеро, бу замонавий Ўзбекистоннинг янги ислохотлар даври, Ватаннинг бугуни ва эртаси учун ниҳоятда зарур!

Хўш, ана шундай хайрли мақсадлар рўёби учун маънавий-маърифий тарғибот йўналишида, энг аввало, нималарга эътибор қаратмоқ керак?

Қуйида зийлиларимиз ва жамоатчилик вакилларининг бу борадаги фикр-мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Эзгулик ёғдуси

Инсон ўзлигини, борлиқ ва яшамоклиқнинг мазмун-моҳиятини теран англаса, оку қорани яхши таниса, билим, касб-хунари пухта эгалласа, ҳаётда қўқилмайди, эзгу мақсадларга, албатта, эришади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳани янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган тақдирда ҳам ана шундай улғу мудоао — халқимизни бахтли-саодатли кўриш, юрт тараққиёти ва турмуш фаровонлигини юксалтиришдек оруз-умидлар мужассам экани, шубҳасиздир.

Мамлакатимиз тараққиётининг янги даврида улғу алломаларимиз меросини ўрганишга алоҳида ўрин

берилаётганида ҳам чуқур маъно бор. Зеро, Ўзбекистон — буюк мутафаккирлар, қомусий олимлар юрти. Бу замин тупроғида азиз-авлиёлар, улғулар ётибди. Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Насафийларни, Кешийларни дунё билди, эъзозлайди. Бугун олиб борилаётган ислохотлар ана шу буюк аجدодларнинг илмий-маърифий ва маданий меросига ҳурматини ҳам ифодалайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази, Имом Термизий, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказлари ташкил этилиши заманимизда улғайиб, ўз илмий фаолияти ва асар-

лари билан мусулмон олами ҳамда умумбашарият тамаддунига хисса қўшган алломалар меросини ўрганиш, уни келажақ авлодларга етказиш, ислом динининг асл тинчликпарварлик, инсонийлик ва бунёдкорлик моҳиятини тарғиб этишда муҳим ўрин тутади. Шунинг ҳам алоҳида қайд этиш кераки, илм-маърифат, маданият бешиги бўлган Ўзбекистондан маърифий ислом гоёлари тарқалиши бугунги таҳликали замонда "Жаҳолатга қарши — маърифат" билан курашишнинг энг самарали ечимидир.

Ҳозирги кунда заманимиздан етишиб чиққан улғу алломаларнинг руҳларини шод этиш мақсадида амалга оширилаётган савобли ишлар билан бир қаторда, уларнинг таълимотларини ўрганиш, тарғиб этиш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда.



Форум



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р ИИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ ВА ИЖТИМОЙ СОҲАНИНГ ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ,
ЭНЕРГИЯ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ
МАНБАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТЕЗКОР ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Илғор хорижий тажрибани инобатга олиб, мавжуд ресурсларни ва ишга солинмаган салоҳиятни жалб этиш орқали энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологиялар ва қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш, иқтисодийёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия сарфи ҳажмини кескин камайтириш борасидаги ишларни комплекс ташкил этиш, шунингдек, ёқилги-энергетика ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки:

а) Ўзбекистон Республикасининг “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги имтиёз ва преференциялар, шу жумладан, қуйидагилар:

қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ишлаб чиқарувчилар давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан беш йил муддатга солиқнинг барча турларини тўлашдан;

қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини (номинал қуввати 0,1 МВт ва ундан ортқ бўлган) ўрнатганлик учун улар фойдаланишга топширилган пайтдан эътиборан ўн йил муддатга мол-мулк солиғини ҳамда ушбу қурилмалар билан банд бўлган участкалар бўйича ер солиғини тўлашдан;

ишлаб турган энергетика ресурслари тармоқларидан тўлиқ узиб қўйилган яшаш учун мўлжалланган жойларда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланувчи шахслар қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланилган ойдан эътиборан уч йил муддатга ер солиғини тўлашдан озод этилиши назарда тутилган;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 ноябрдаги “Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3379-сон қарори билан ўрнатилган тартибга мувофиқ 2018 йил 1 январдан бошлаб:

давлат органлари ва муассасаларининг бино ва иншоотлари, шунингдек, кўп квартирли уй-жой фондини лойihalаштириш, реконструкция қилиш, қуриш ва фойдаланишга топширишда уларда энергия самарадор ва энергия тежамкор технологиялардан фойдаланилганлиги юзасидан шахарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқлиги тежирлади;

якка тартибдаги уй-жой қурилишидан ташқари, барча бино ва иншоотларни лойihalаштириш, реконструкция қилиш ва қуришда, иссиқ сув таъминоти учун сертифициланган қуёш сув иситкич қурилмаларини, шунингдек, энергия тежамкор лампаларни мажбурий тартибда ўрнатиш кўзда тутилган.

2. Энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича вазирлик ва идораларнинг, иқтисодийёт тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳа корхоналари ва ташкилотларининг иши қоникарсиз деб топилсин.

3. Маъмурий биноларда, аҳоли пунктларида ва ишлаб чиқариш объектларида энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни кенг жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича комплекс чора-тадбирлар қабул қилиниши юзасидан давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг биринчи раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳарлар ҳокимлари шахсан жавобгар эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Иқтисодийёт ва саноат вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ҳамда қўйидагиларни назарда тутувчи 2019 — 2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида иқтисодийёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини янада ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш комплекс дастури (кейинги ўринларда — Комплекс дастур) маъқуллансин:

а) қуйидагиларни:

қайта тикланувчи энергия манбаларини янада ривожлантиришнинг мақсадли параметрларини 1-иловага мувофиқ тасдиқлаш, уларнинг улушини 2030 йилга бориб электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 25 фоизидан кўпроғига етказиш;

иқтисодийёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини янада ошириш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси”ни 2-иловага мувофиқ тасдиқлаш;

б) минтақаларда ижтимоий соҳа объектларини (таълим муассасалари, шу жумладан, мактабгача таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш объектларини) энергия ресурслари билан узлуксиз таъминлаш, шунингдек:

иссиқ сув ва электр энергияси билан таъминлаш учун замонавий қуёш фотоэлектрик станциялари ва қуёш сув иситкичларини (марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимларига уланган объектлар бундан мустасно), шунингдек, энергия самарадор, шу жумладан, бивалент иситиш тизимларини босқичма-босқич ўрнатиш, хусусан, замонавий иссиқлик насослари ва рекуператорларини жорий этиш;

биноларнинг иссиқлик ҳимоя тизимини яхшилаш, икки камерали ва энергия самарадор дераза блокларини, светодиодилли манбаларни ўз ичига олган сенсорли датчиклар, шунингдек, ҳаво рекуператорлари ва бошқа тизимларни ўрнатиш ҳисобига Нукус шаҳрида, вилоят марказларида ва вилоятларнинг шаҳарларида энергия истеъмолини камайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

в) хусусий хонадонларда қуёш фотоэлектрик

станциялари (ўртача 2 кВт) ва қуёш сув иситкичларини (ўртача 200 литр) ўрнатиш;

г) маийий истеъмолчиларнинг, шунингдек, юридик шахсларнинг ностандарт газ-горелкали қурилмаларини замонавий ва энергия самарадор газ-горелкали қурилмаларга алмаштириш;

д) қуёш фотоэлектрик станциялари ва қуёш сув иситиш қурилмалари билан жиҳозлаш тавсия этиладиган давлат органлари ва ташкилотларнинг маъмурий бинолари ва инфратузилма объектлари рўйхатини 3-иловага мувофиқ тасдиқлаш.

5. Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг маблағлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ўзларига тегишли маблағлари, шунингдек, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг имтиёзли кредит ресурслари, хорижий доноларнинг техник кўмаги маблағлари (грантлари) Комплекс дастурнинг чора-тадбирларини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Энергетика вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Комплекс дастурни амалга оширишга кредит ресурсларини ва техник кўмак маблағлари (грантлари) жалб этиш мақсадида халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари ва хорижий донолар билан музокаралар олиб борсин.

6. Шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ 2020 йил 1 январдан қуйидаги тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳар йили тасдиқланадиган параметрлар доирасида молиялаштирилади:

а) жисмоний шахсларга қуёш фотоэлектрик станциялари, қуёш сув иситкичлари, шунингдек, энергия самарадор газ-горелкали қурилмаларни сотиб олиш харажатларининг 30 фоизи миқдорда, бироқ:

қуёш фотоэлектрик станциялари учун — 3 миллион сўмдан;

қуёш сув иситкичлар учун — 1,5 миллион сўмдан; газ-горелкали қурилмалар учун — 200 минг сўмдан

ошмайдиган миқдорда компенсациялар тақдим этиш;

б) жисмоний ва юридик шахсларга қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари, энергия самарадор газ-горелкали қурилмалар ва қозонлар, шунингдек, энергия самарадор бошқа ускуналарни харид қилишга тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплашга қуйидаги компенсацияларни тақдим этиш:

жисмоний шахсларга — 500 миллион сўмдан

ошмайдиган кредитлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси

Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан ошган қисмида, бироқ 8 фоизли пунктдан кўп бўлмаган

миқдорда;

юридик шахсларга — 5 миллиард сўмдан ошмайдиган

кредитлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Марказий

банкнинг қайта молиялаш ставкасидан ошган қисмида, бироқ 5 фоизли пунктдан кўп бўлмаган миқдорда;

в) энергия самарадор, энергия тежовчи технологиялар ва ускуналарга, шунингдек, уларни синаш методларига нисбатан талабларни ўрнатадиган халқаро стандартларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Энергетика вазирлиги икки ой муддатда ушбу бандда назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш механизмини белгиласин.

7. Белгилансинки, ҳар йили:

15 сентябрга қадар давлат ва ҳўжалик бошқаруви

органлари, шунингдек, энергия самарадорлиги ва қайта

тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш

масалалари бўйича ҳудудий комиссиялар келгуси йилда

қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари,

энергия самарадор ва энергия тежовчи бошқа

ускуналар билан жиҳозланиши, шунингдек, иссиқлик

ҳимоясини яхшилаш бўйича ишларни амалга ошириш

лозим бўлган объектлар рўйхати (кейинги ўринларда —

Рўйхат)га киритиш учун Энергетика вазирлигига

таклифлар киритилади;

1 октябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Энергетика

вазирлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги,

Иқтисодийёт ва саноат вазирлиги, Қурилиш вазирлиги,

Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси

Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар

ҳокимликлари билан биргаликда иқтисодийёт тармоқлари

ва ижтимоий соҳа, шунингдек, туман ва шаҳарлар

кесимида молиялаштиришнинг аниқ ҳажмлари ва

манбаларини кўрсатган ҳолда Рўйхатни

шакллантиради;

15 октябрга қадар Энергия самарадорлигини ва

қайта тикланувчи энергия манбаларини

ривожлантириш масалалари бўйича республика

комиссияси Рўйхатни кўриб чиқади ва тасдиқлайди;

Рўйхатда назарда тутилган молиявий маблағларнинг

ҳажми Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон

Республикасининг ҳар йили тасдиқланадиган Давлат

бюджети параметрларига киритилади.

8. Белгилансинки, 2020 йил 1 январдан бошлаб:

а) якка тартибдаги уй-жой қурилишидан ташқари барча

бинолар ва иншоотларни лойihalаштириш, реконструкция

қилиш ва қуришда:

қурилиш нормалари ва қоидаларига мувофиқ

биноларнинг энергия самарадорлигини таъминлаш;

лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказишда қурилиш

нормалари ва қоидаларининг талабларини инобатга олган

ҳолда бинолар ва иншоотлар энергия самарадорлиги

кўрсаткичлари бўлимини тақдим этиш мажбурий

тартибда назарда тутилиди;

б) давлат органлари ва ташкилотлари ўз балансидаги

бинолар ва иншоотларда ёритиш тизимлари учун

светодиодилли манбаларни ўз ичига олган сенсорли

датчиклар, энергия самарадор газ-горелкали

қурилмаларни ўрнатишга мажбурдир;

в) маҳсулот (ускуналар, товарлар) ва технологияларнинг энергия самарадорлиги даражаси ёки техник кўрсаткичларини белгилаш уларни Ўзбекистон Республикасининг аккредитация қилинган органлари томонидан сертификатлаштиришда мажбурий ҳисобланади.

Қурилиш вазирлиги Энергетика вазирлиги ва “Ўзстандарт” агентлиги билан биргаликда 2019 йил 1 ноябрга қадар:

янгида қурилаётган ва реконструкция қилинаётган бино ҳамда иншоотларнинг энергия самарадорлигига нисбатан талабларни тубдан ошириш мақсадида шахарсозлик нормалари ва қоидаларини қайта кўриб чиқсин;

бино ва иншоотларнинг энергия самарадорлиги даражасини (А, Б, В ва бошқа даражалар) белгилаш бўйича норматив ҳужжатларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

9. “Ўзстандарт” агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Иқтисодийёт ва саноат вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлигининг 6-иловадаги рўйхат бўйича мамлакатимиз корхоналарида энергетика менежментини бошқариш тизимини халқаро стандартга (ISO 50001) мувофиқ 2019 йил 1 декабрдан 2023 йил 1 январга қадар босқичма-босқич татбиқ этиш тўғрисидаги таклифга розилик берилсин, мазкур тизимда қуйидагилар назарда тутилиди: энергия истеъмолчи самарадорлигини баҳолашнинг шафдофлиги ва холислиги, корхоналарнинг энергия сарфи ҳажмини пасайтириш, шунингдек, атмосферага чиқариб ташланадиган чиқиндиларни камайтириш;

ресурсларни, биринчи навбатда, молиявий маблағларни минимал даражада сарфлаб энергия истеъмолчи бошқариш самарадорлигига эришиш, корхоналар активларининг капиталлашув даражасини ошириш;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, кўрсатилмаётган хизматларнинг рақобатбардошлигини ошириш.

10. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ва “Ўзстандарт” агентлиги масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

бир ой муддатда энергия самарадор, энергия тежовчи технология ва ускуналарга нисбатан талабларни ўрнатувчи стандартлаштириш бўйича амалдаги норматив ҳужжатларни хатловдан ўтказсин;

икки ой муддатда 2019-2020 йиллар энергия самарадор, энергия тежовчи технологиялар, ускуналар ва уларни синаш методларига нисбатан талаблар ўрнатувчи зарур халқаро стандартларни қабул қилиш тармоқ графигини тасдиқласин;

икки ой муддатда 2020 йил 1 августга қадар энергия сарфловчи ускуналарни энергия самарадор ва энергияни тежаш кўрсаткичларига мувофиқлигини синовдан ўтказувчи замонавий лабораториялар ташкил қилиш бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

11. 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб илгари фойдаланилган генератор ускуналари, кучлиниши пасайтирувчи трансформаторлар, электр двигателлари, шунингдек, энергия самарадорлиги Д тоифадаги энергия сарфловчи ускуналарни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш тақиқлансин.

Белгилансинки, ҳудудий электр тармоқлари корхоналари учун электр техника ускуналари ва қурилмаларини, шунингдек, бутловчи буюмлар ва материалларни харид қилиш “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ томонидан марказлаштирилган тартибда амалга оширилади.

12. Қуйидагилар:

Энергия самарадорлиги ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш масалалари бўйича республика комиссиясининг (кейинги ўринларда — Республикаси комиссияси) янгиланган таркиби 5-иловага мувофиқ;

энергия самарадорлиги ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш масалалари бўйича ҳудудий комиссияларнинг намунавий таркиби 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика комиссияси (А. Н. Арипов):

2019 йил 15 октябрга қадар энергия самарадорлигини ошириш ва ёқилги-энергетика манбаларини тежаш кўрсаткичларини аниқлаш методикасини тасдиқласин;

2019 йил 20 октябрга қадар келгусида энергия самарадорлигини баҳолаш ва ёқилги-энергетика манбаларини тежаш мақсадида энергия сарфи ҳажми катта бўлган корхоналар кесимида иқтисодийёт тармоқлари рўйхатини шакллантирсин;

2019 йил 20 декабрга қадар 2020 — 2022 йилларда камид 2,4 миллиард кВт/соат электр энергияси, 2,4 миллиард метр куб табиий газ ва 20 минг тонна нефть маҳсулотларини тежашни назарда тутувчи иқтисодийёт тармоқлари бўйича энергия самарадорлигини ошириш ва ёқилги-энергетика манбаларини тежаш мақсадли кўрсаткичларини тасдиқласин;

зарур ҳолларда Комплекс дастур параметрларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин;

мазкур қарорда белгиланган вазифаларни бажариш бўйича ишларни самарали ташкил этсин ва мувофиқлаштирсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Республика комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

13. Белгилансинки:

а) Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги: иқтисодийёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини оширишни таъминлаш, мулкчилик шаклидан ва идоравий мансублигидан қатъи назар, барча тоифадаги истеъмолчиларда энергия тежовчи технологияларни жорий этиш, шунингдек, қайта тикланувчи энергетикани ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича ваколатли орган ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикасида иқтисодийёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта

тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш соҳасидаги лойиҳаларни мувофиқлаштириш ва бошқариш, шунингдек, уларни амалга ошириш даврида мониторинг ва ҳисоботларни юритиш учун масъул бўлган ижро этувчи орган сифатида иштирок этади;

Республика комиссиясининг ишчи органи ҳисобланади; Қайта тикланувчи энергия манбалари бўйича халқаро агентликда (IRENA) Ўзбекистон Республикасининг миллий мувофиқлаштирувчи органи ҳисобланади;

б) қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари ва дастурлари Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги билан келишилиши шарт.

14. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги зиммасига қуйидаги қўшимча вазифалар юклансин:

иқтисодийёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, иқтисодийётнинг энергия сарфи ҳажмини пасайтириш соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб бориш, шунингдек, энергия тежовчи илғор технологиялар фаол жорий этилишини рағбатлантириш;

энергия самарадорлигини ошириш мақсадида, шу жумладан, илмий тадқиқот ишларини ташкиллаштириш ва ўтказиш орқали инвестиция лойиҳалари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат органлари ва ташкилотларида, иқтисодийёт тармоқлари ташкилотларининг ишлаб чиқариш жараёнларига замонавий энергия самарадор ва энергия тежовчи технологиялар жорий этилишини рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш, шунингдек, энергия ресурсларини сарфлаш самарадорлиги мониторингини амалга ошириш;

халқаро тажрибани ҳисобга олиб ва зарур бўлганда, хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда энергетика аудити соҳасидаги мутахассислар ва энергетика хизматларини етказиб бериувчи малакасини ошириш учун тренинглари ташкиллаштириш;

энергия аудиторлари фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилаш, ёқилги-энергетика ресурслари истеъмолчилари мажбурий энергетик текширувдан ўтказилиши ва тегишли тавсиялар бажарилишининг мониторингини, шунингдек, энергия сервис компаниялари фаолияти мониторингини амалга ошириш;

идоравий мансублигидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, юридик шахсларга нисбатан ёқилги-энергетика ресурсларидан самарасиз фойдалангани учун иқтисодий жазо чораларини қўллаш.

15. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг марказий аппарати тузилмасида Иқтисодийёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлик ва энергия тежамкорлик бўйича департамент ташкил қилинсин.

Ташкил этилаётган бўлимининг тўлдириш мақсадида Энергетика вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмадиган 10 нафар бошқарув ходимларидан иборат қўшимча штат бирликлари қуйидагилар ҳисобидан ажратилсин:

2 та бирлик — Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда — Узнефгазинспекция) ҳудудий бўлиналарининг тегишли штат сонини қисқартириш ҳисобига;

Ватан

манзумаси



ЎЗБЕКИСТОН

Ҳамид ОЛИМЖОН

Водийларни яёв кезганда, Бир ажиб ҳис бор эди менда. Чаппар уриб гуллаган боғин, Ўпар эдим Ватан тупроғин. Одамлардан тинглаб ҳикоя Усар эди шоирда гоё. Дарёлардан қуллаб ўтардим, Эртақларга қулоқ тутардим. Ҳаммасини тинглардим, аммо, Ўхшашини топмасдим асло. Ўхшашни йўқ бу гўзал бўстон, Достонларда битган гулистон — Ўзбекистон дея аталур, Уни севиб эл тилга олур. Чиройлидир гўё ёш келин, Икки дарё ювар кокилин Қорли тоғлар турар бошида, Гул водийлар яшнара қошида. Чор атрофга ёйганда гилам, Асло йўқдир бундаини кўклам. Тоғлардаги қип-қизил лола Бўлиб гўё ёқут пиёла, Булоқлардан узатади сув Эл кўзидан қочади уйку. Далаларда бошланади иш Бошланади ижод ва турмуш. Кундан-кунга ўсади пахта, Барг чиқади ҳар бир дарахтада, Олмазорлар гулин тўқади, Мева боғлаб шохин буқади. Шаҳарларда ишга чиқиб эл Одам билан тўлар Текстиль. Ҳаммасининг бир истаги бор, Ҳаммаси ҳам хурсанд, бахтиёр. Бу ўлкада ҳар нарса бордир, Кўрмагадлар доим хумордир. Аму билан Сирдан сув ичган, Зарафшонни лойлатиб кечган, Чавандозлар бордир бу элда. Баҳор чоғи пишқирган селда Аргуמוқлар кўшиги бордир. Бу шундайин ажиб диёрдир. Даласида ўсмас тиконлар, Чўллариди чопмас илонлар; Кўш учганда куймас қаноти, Одам ўтса қуримас зоти; Чанқов қолиб йўловчи ўлмас, Ҳар бурчақда бошқесар бўлмас. Кулбаларни келиб босмас қум, Ўдақларни ютмас оч ўлим, Одамга бахт ва толе ёрди — Бу шундайин ажиб диёрдир.



Бунда булбул китоб ўқийди, Бунда қуртлар ипак тўқийди, Бунда ари келтиради бол, Бунда қушлар топади иқбол, Бунда қорнинг тағларида қиш, Баҳор учун сўйлайди олқиш. Бир ўлкаки хуснга бойдир, Унинг энг зўр кўзгуси ойди; Бир парча ўт бўлиб бунда кун Пахтасига ишлайди ҳар кун. Ботирлари канал қазади, Шоирлари газал ёзади, Куйчилари ўқийди ялла, Жувонлари айтади алла, Пазандаси ёпади ширмон, Қарилари кутади меҳмон — Бу шундайин ажиб диёрдир. Бунинг қизиқ ҳикмати бордир... Шунинг учун тинчдир ул кўнгул, Шунинг учун осойишдир ул. Шунинг учун сомонда ётмас, Шунинг учун совуқда қотмас, Ёвларига осмон тутундир, Шунинг учун бағри бутундир, Шунинг учун ёпинмағай хас, Шунинг учун кийинар атлас. Шундай ўлка доим бор бўлсин, Шундай ўлка элга ёр бўлсин. Омон бўлсин оғайнилари, Омон бўлсин дўстларнинг бари. Доим бўлсин давлати омон, Шундай бўлсин бу бутун жаҳон. Шафтолузор боғларни кўрдим, Гул кўқарган тоғларни кўрдим, Меҳр қўйиб ўпган сари оқ, Оппоқ бўлди бу, азиз тупроқ, Водийларни яёв кезганда, Бир ажиб ҳис бор эди менда...



Маънавият

БАЙРАМ УЧУН ЭНГ ЯХШИ СОВҒА

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан ташкил этилган "Ёшлар кутубхонаси" лойиҳаси доирасида Мустақиллигимизнинг 28 йиллик байрами муносабати билан пойтахтдан йўлга чиққан "Китоблар қарвони" Наманганга ҳам етиб келди. Бир гуруҳ китобсеварлар турли адабиётлардан иборат "Президент совғаси"ни тантанали кутиб олди.

12 номдаги 8352 дона китоб янги ўқув йили олдидан умумтаълим мактабларининг кутубхоналарига тақдим этилади. Ўзбек ва жаҳон адабиётининг нодир намуналари, шунингдек, таниқли ёзувчиларнинг янги асарларидан жамланган адабиётлар туркуми ёшлар ўртасида мутолаа моданиятини юксалтиришга хизмат қилиши табиий.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ («Халқ сўзи»).

Танлов

СУРАТЛАРДА ОНА ЮРТ МАНЗАРАЛАРИ

Тошкент Фотосуратлар уйида "Энг улғу, энг азиз" республика кўрик-танловининг тасвирий санъат, фото ва дизайн ишлари йўналиши иштирокчиларининг ижод намуналари кўргазмаси ташкил этилди.



— Бу йилги танловда юртимиз бўйлаб юздан зиёд муаллифлар 500 дан ортиқ ижодий ишлари билан қатнашди, — дейди Ўзбекистон Республикаси "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси бошқаруви раиси Исфандиёр Латипов. — Улардан 50 нафар ижодкорнинг 370 та асари республика босқичида ҳакамлар ҳайъати ва кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилди. Кўргазмага қўйилган ижод намуналарида Ватанимизнинг сўлим манзиллари, сўнги йилларда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, ҳаётимизни янги босқичга кўтарган ислохотлар, юрдошларимизнинг мамнуни қиёфаси акс этган.

Танлов голиблари энг улғу, энг азиз байрамимиз арафасида тақдирланади.

Юлдуз ЎРМОНОВА («Халқ сўзи»).

ТАДБИРКОРЛАР МАРКАЗИ

ишбилармонларга амалий кўмак бермоқда

Қамаши туманида "Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш маркази" фаолият бошлади. Ишбилармон оилалар сафини кенгайтириш, асаларичилик, қуёнчилик, нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш, касаначилик, тикувчилик, қандолатчилик, маиший хизмат каби бизнес йўналишларини қўллаб-қувватлаш, бу борада ташаббускорларга кредит олишда кўмаклашиш мазкур марказнинг асосий вазифалари қилиб белгиланди.

лантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида ташкил этилди, — дейди Қамаши тумани молия бўлими мудирини Низоми Мўминов. — Бўлимимиз ходимлари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда туман бўйича 613 та кам таъминланган оила аниқланиб, уларга тадбиркорликни йўлга қўйиш, томорқадан самарали фойдаланиш бўйича амалий кўмак берилмоқда. Хусусан, хозиргача 604 та эҳтиёжманд оилга 2 миллиард 341 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилди.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ («Халқ сўзи»).

Ташаббус

Айни пайтда бу ерда туман иқтисодиёт ва саноат бўлими, молия, солиқ, бандлик кўмаклашиш маркази, статистика, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими, Ёшлар иттифоқи, фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши худудий бўлинмала-

ри ҳамда тижорат банклари раҳбар ва ходимларидан иборат мутахассислар иш олиб бормоқда.

— Ушбу марказ Президентимизнинг жорий йил 7 мартдаги "Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривож-

Барча юридик Ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 майдаги «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга механизация ва сервис хизматларини кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ҳамда «Ўзагросервис» акциядорлик жамияти тизимидаги «Surxondaryo Agroservis MTP» МЧЖнинг «Кумқўрғон Агросервис МТП 2017» МЧЖ ва «Denov Agroservis va integrallashgan servis markazi MTP» МЧЖнинг устоз жамғармасидаги улушлари бўйича «Surxondaryo mulk markazi» МЧЖ такрорий очиқ танлов савдосига таклиф этади.

«Surxondaryo Agroservis MTP» МЧЖ кузатув кенгашининг 2019 йил 20 августдаги 02-сонли мажлис баёнига ва «Surxondaryo Agroservis MTP» МЧЖнинг 2019 йил 20 августдаги 1/1-533-сонли буюртманомасига асосан, бозор баҳоси учинчи маротаба яна 10 фоиз пасайтирилган куйидаги тадбиркорлик субъектлари танловга қўйилмоқда:

- 1. Сурхондарё вилояти, Кумқўрғон тумани, «Оқжар» ҚФЙ, «Бого» МФЙда жойлашган, «Кумқўрғон Агросервис МТП 2017» МЧЖнинг 100 фоиз улуши. Бошланғич баҳоси — 5 006 448 718 сўм.
2. Сурхондарё вилояти, Денов тумани, «Юрчи» МФЙда жойлашган, «Denov Agroservis va integrallashgan servis markazi MTP» МЧЖнинг 100 фоиз улуши. Бошланғич баҳоси — 5 974 818 500 сўм.

Балансда сақловчи: «Surxondaryo Agroservis MTP» МЧЖ. Фаолияти ихтисоси: Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига механизация ва сервис хизмати кўрсатиш.

Танлов таклифлари тақдим этилган конвертларни очиш ва танлов савдосини ўтказиш 2019 йилнинг 16 сентябрь куни соат 11.00 да Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг мажлислар залида бошланади. Танлов таклифларини қабул қилиш муддати — 2019 йилнинг 13 сентябрь кун соат 18.00 да деб белгиланган. Таклифларни очиш вақтида танловда ўрнатилган тартибда қатнашаётган иштирокчилар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Танлов савдосининг асосий шартлари:

- 1. Танловда республика резидентлари (якка тартибдаги ва юридик шахс сифатида фаолият юритувчи тадбиркорлар ва ишбилармонлар) ёки норезидентлари (чет эллик тадбиркорлар ёки уларнинг вакиллари) қатнашишлари мумкин.
2. Танлов савдосида иштирок этувчи талабгорлар томонидан улуш бошланғич баҳосининг 5 (беш) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини танловда эълон қилинган ҳисоб рақамига тушириши керак.
3. Танловда қатнашиш учун талабгор ёки унинг ваколатли вакили савдо ташкилотчасига очиқ танлов тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатларда шахсан ёки почта орқали куйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда буюртманомани икки нусхада тақдим этади: — юридик шахслар учун — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхасини илова қилган ҳолда; — жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхасини илова қилган ҳолда;
4. Танлов иштирокчиси ўз бизнес режасида куйидагиларни ёритиши зарур: — машина-трактор паркиннинг асосий фаолият (механизация ва сервис хизмати кўрсатиш) турини икки йил ичида ўзгартирмасдан, узлуksиз самарали ишлашни таъминлаш; — мавжуд ишчи ўринларини сақлаб қолиш ва кенгайтириш; — машина-трактор паркиннинг мавжуд ишлаб чиқариш потенциалини модернизация қилиш, замонавий дастгоҳ(станок)лар ва ускуналар сотиб олиш ҳисобига сервис хизматлари турини кўпайтириш ҳамда сифатини яхшилаш, жами киритилмаган инвестиция бўйича таклиф; — жамиятнинг бўш ер майдонларидаги мавжуд бино ва иншоотларда тадбиркорликнинг бошқа фаолиятини йўлга қўйиш юзасидан аниқ режалар, қўшимча инвестиция киритиш бўйича таклифлар ва натижада ташкил қилинадиган қўшимча иш ўринлари; — улушнинг бошланғич баҳосидан кам бўлмаган миқдорда энг юқори сотиб олиш қийматини таклиф қилиш; — сотиб олиш қийматини энг қисқа муддатда тўлаш бўйича таклифлар; — машина-трактор парки ишчи-хизматчиларининг иш ҳақидан бўлган қарздорликни биринчи навбатда сўндириш бўйича таклифлар; — иштирокчининг бошқа таклифлари ва уларнинг самарадорлиги.
Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варағи талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов савдоси натижалари бўйича голиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб савдо голибига 10 банк иш куни муддатида жамиятнинг ягона иштирокчиси «Surxondaryo Agroservis MTP» МЧЖ ва «Ўзагросервис» АЖ билан уч томонлама олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар улуш бошланғич баҳосининг 5 (беш) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини олдидан (ариза-буюртманомна топширилганига қадар) савдо ташкилотчиси «Surxondaryo mulk markazi» МЧЖнинг куйидаги банк рекевизитларига тўлашлари лозим: «Трастбанк» ХАБ Термиз филиалидаги ҳисоб рақами 20208000904941294001, МФО: 01063, СТИР: 302125279.

Танлов савдоси ва танлов ҳужжатларини тўлдирши билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича мурожаат учун манзил: Термиз шаҳри, Барқамол авлод кўчаси, 19-уй. Телефон: 76-223-15-82. веб-сайт: www.rmm.uz. Электрон почта манзили: user100@inbox.uz. Гувоҳнома: 972.

Савдоларга марҳамат қилинг!

Advertisement for 'Xalq S'uzi' featuring 'Ushbu joyda Sizning reklamangiz bulishi mumkin edi!' and 'Biznesingizni qullab-quvvatlaydi!' with contact information for the advertising agency.

Тошкент тумани уй-жойдан фойдаланиш қисми

авария-таъмирлаш ва қайта тиклаш ишларини ўтказиш учун танлов эълон қилади.

Иш мазмуни: авария ҳолатида бўлган ташқи (майдон ичи) оқова сув тизимини қайта тиклаш ва таъмирлаш ишларини олиб бориш. Талаб қилинади: Лойиҳа смета ҳужжатлари (ПСД) ва экспертиза ўтказиш ишлари бажарувчи томонидан амалга оширилади.

Объект: Тошкент Ҳарбий прокуратураси ва Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси. Лойиҳага киритилиши керак бўлган ишлар: ташқи (майдон ичи) оқова сув (канализация) тизими қисми янгиланиши керак. Авария ҳолати баргараф этилиши зарур. Янгиланадиган қисм: ишлаб турган тизимнинг узунлиги — 150, 160 метрли бўлими; синган қувурлар янги қувурларга алмаштирилиши, Д 300 мм. бўлган янги асбест-цемент қувурлар ётқизирилиши, 8 дона янги канализация қудуги барпо этилиши, бетон қопламаларни бузиш, асфальт қопламаларни бузиш ва иш бажарилганидан кейин уларни қайта тиклаш керак.

Ташқи (майдон ичи) оқова сув (канализация) тизимининг ишлаш жараёнида узилиш ҳолатини юзага келтирмаган ҳолда иш бажарилиши лозим.

Шаҳар Оқова сув бошқармасидан бажариладиган ишларга рухсат, ҳокимият томонидан шожўчаларнинг бирида иш бажариш учун (ИХХХ томонидан келишилган) ордер, шаҳар муҳандислик тизимлари вакиллари томонидан келишилган ҳолда, иш бажариш жойида жойлашган ташкилот ва муассасаларнинг муҳандислик тизимларига зарар етказмасдан иш олиб бориш талаб этилади.

Танловга тақдим этилиши керак бўлган ҳужжатлар: Тижорат таклифи, мазкур ишларни олиб бориш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома, низом, бош директорнинг паспорт нусхаси, иш бажариш учун тақдим этилаётган дастлабки смета ёки калькуляция. Охириги иш бажарган жойидан тавсия (агар бўлса).

Шартнома тузиш жараёнида гувоҳнома ва низомнинг нотариал тасдиқланган нусхаси, солиқ инспекцияси ҳамда банкдан кредитор ва дебитор қарздорликлар йўқлиги ҳақида маълумотномалар бўлиши зарур. Шартномага биноан 15 фоиз олдидан тўлов ва иш бажарилганидан кейин, смет-фактура ҳамда иш бажарилиши актларига асосан 85 фоизлик тўловлар пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Танловда қатнашиш учун мурожаатлар куйидаги телефонлар орқали қабул қилинади: 71-289-60-12, 71-289-42-79.

Advertisement for 'Xalq S'uzi' featuring 'Народное слово' and contact information for the publishing house.

Advertisement for 'Boh Muxarrir Utkir Raxmatov' featuring contact information and a QR code.

Advertisement for 'Xalq S'uzi' featuring 'MANZILIMIZ: 100000, Toshkent shahri, Matbugochilar k'uchasi, 32-uy.' and other details.